Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар

***Каттақўрғон шаҳар ҳоким ўринбосари,***
***Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи***
***Ш.Кучкарованинг***

***“2025 йилда хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш ва оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда ишсиз аёлларни бандлигини таъминлаш”***

# *ЙЎЛ ХАРИТАСИ*

**Каттақўрғон шаҳар 2025-йил**

| “КЕЛИШИЛДИ” | “ТАСДИҚЛАЙМАН” |
|---|---|
| Самарқанд вилояти Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи | Каттақўрғон шаҳар ҳокими |
| ___________ З.Рахмонова | ___________ Г.Алимова |
| 2024 йил “______” декабрь | 2024 йил “ ______” декабрь |

**Каттақўрғон шаҳрида 2025 йилда хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш ва оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда ишсиз аёлларни бандлигини таъминлаш**

# ЙЎЛ ХАРИТАСИ

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Камбағалликни қисқартириш, хотин-қизларни бандлигини таъминлаш ва даромад топишга ўргатиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш** | | | | |
| 1. | Сайхунобод тажрибаси бўйича 332 нафар хотин-қизларни ўқитиш. *(асаларичилик, паррандачилик, иссиқхона, балиқчилик ва бошқа йўналишларда)* | 1. .Хотин-қизларни қисқа ўқув курсларида ўқитиш режа-жадвалини ишлаб чиқиш.<br>2. Ишсиз ва даромад топиш истагидаги хотин-қизларни ўқитиш.<br>Бунда:<br>130 нафарини Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида;<br>130 нафарини касб-ҳунарга ўқитиш марказларида;<br>40 нафарини тижорат банклари, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан;<br>32 нафарини “Ҳунарманд уюшмаси” томонидан касб-ҳунарга | 2025 йил январь<br><br>Йил давомида, режа жадвал асосида | Оила ва хотин-қизлар бўлими, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими, Ҳунарманд уюшмаси, Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази, тижорат банклари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | ўқитиш. | | |
| 2. | Ишсиз, даромад топиш истагидаги 570 нафар хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш. | 1. Ишсиз, даромад топиш истагидаги хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш.<br>2. Уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш.<br>3. Ишсиз хотин-қизларни ишга жойлаштиришда банд қилиб қўйилган (квоталанган) иш ўринларидан фойдаланиш. | 2025 йил январь<br><br>ҳар чоракда | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими, Оила ва хотин-қизлар бўлими |
| 3. | Тадбиркорлик қилиш истагидаги 186 нафар хотин-қизларга **молиявий кўмаклашиш**. Бунда:<br>126 нафар хотин-қизларга кредит ажратиш;<br>60 нафар хотин-қизларга тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилишни рағбатлантирувчи субсидиялар ажратиш. | 1. Тадбиркор хотин-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини ўрганиш ва уларга зарур кредит маблағларини ажратиш чораларини кўриш.<br>2. Даромад топиш истагидаги хотин-қизларга тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилишни рағбатлантирувчи субсидиялар ажратиш. | 2025 йил давомида | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими,<br>Савдо-саноат палатаси,<br>Оила ва хотин-қизлар бўлими,<br>тижорат банклари |
| 4. | Лидер тадбиркор аёлларга эҳтиёжманд 58 нафар хотин-қизларни бириктириб, даромад топишга ўргатиш. | 1. Ҳудудда аниқланган лидер тадбиркор аёлларга йўналишидан келиб чиқиб даромад топиш истагидаги хотин-қизларни бириктириш. | 2025 йил январь-февраль | Оила ва хотин-қизлар бўлими, Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази |
| 5. | Бизнесини кенгайтириш истагидаги 32 нафар хотин-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-кувватлаш ва бу орқали 72 та иш ўрни яратиш. | 1. Бизнесини кенгайтириш истагидаги хотин-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини ўрганиб чиқиш.<br>2. Ҳар куни 1 нафар тадбиркор хотин-қизлар билан мулоқот қилиб, уларнинг эҳтиёжи ва муаммоларини аниқлаш.<br>3. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур | 2025 йил давомида | Оила ва хотин-қизлар бўлими, Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази, тижорат банклари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | бўлган кредит маблағларини ажратишга кўмаклашиш.<br>4. Яратилган иш ўринларига ишсиз хотин-қизларни жойлаштириш чорасини кўриш. | | |
| 6. | 1 та хонадонларда кичик ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиш.<br>*(мева, сабзавотлар, сут маҳсулотларини қайта ишлаш, мато тўқиш, тикиш ва бошқа)* | 1. Хонадонда кичик ишлаб чиқариш цехини очиш имконияти ва хоҳиши бўлган хотин-қизларни аниқлаш.<br>2. Уларнинг эҳтиёжлари ва муаммоларини аниқлаш ва бартараф этишга кўмаклашиш.<br>3. Хонадонларда кичик ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини қўллаб-кувватлаш. | 2025 йил февраль<br><br>2025 йил давомида | Оила ва хотин-қизлар бўлими, Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази, тижорат банклари |
| 7. | Томорқачилик соҳасида 15 та илғор хонадонларга даромади кам бўлган 75 та хонадонларни бириктириш орқали уларнинг даромадини оширишга кўмаклашиш. | 1. Илғор хонадонларга кам даромадли хонадонларни бириктириш.<br>2. Кам даромадли хонадонларда томорқачиликни ривожлантириш учун шароитлар яратишга кўмаклашиб бориш. | 2025 йил 1-чорак<br><br>Йил давомида | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими,<br>Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси шахар бўлими,<br>Оила ва хотин-қизлар бўлими,<br>тижорат банклари |
| 8. | **“Устоз-шогирд” анъанаси** асосида 9 нафар ҳунарманд аёлларга 96 нафар хотин-қизларни бириктириш орқали бандлигини таъминлаш. | 1. Ҳудудлар кесимида ҳунарманд аёллар ва бириктириладиган ишсиз хотин-қизлар манзилли рўйхатини шакллантириш.<br>2. “Устоз-шогирд” анъанаси асосида хотин-қизларга қизиқиши бўйича ҳунармандчиликни ўргатиш ва уларни қўллаб-кувватлаш. | 2025 йил февраль<br><br>2025 йил давомида | “Ҳунарманд” уюшмаси, Оила ва хотин-қизлар бўлими |
| 9. | Хорижда кам дам даромад топаётган | 1. Хорижда кам дам даромад | 2025 йил | Камбағалликни |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | аёлларни ватанга тизимли қайтариш чораларини кўриб бориш ва ижтимоий хизматлар билан таъминлашни ташкил этиш. | топаётган аёлларни аниқлаш.<br>2. 336 нафар ватанга қайтган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш.<br>3. Хорижда ишлаш истагидаги аёллар билан “Хавфсиз миграция” талаблари бўйича ишларни ташкил этиш. | 1-чорак<br><br>Йил давомида | қисқартириш ва бандлик бўлими,<br>Ички ишлар бўлими, Оила ва хотин-қизлар бўлими |
| **II. Хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чораларини кучайтириш** | | | | |
| 10. | 8 та “Соғлом оила маслаҳатхоналари”ни *(оилани ихтиёрий режалаштириш, соғлом овқатланиш, соғлом турмуш тарзи талабларини ўқитиш)* ташкил этиш. | 1. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича тегишли ташкилотлар ўртасида тиббиёт-маҳалла-оила ҳамкорлиги дастурини ишлаб чиқиш.<br>2. Ишлаб чиқилган дастур асосида ҳафтада бир маротаба “Саломатлик соатлари”ни ташкил этиш, унда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларини кўриб чиқиш. | 2025 йил 1-чорак<br><br>Йил давомида | Соғлиқни сақлаш бўлими, Оила ва хотин-қизлар бўлими |
| 11. | Эрта никоҳ (*18 ёшгача бўлган никоҳлар*), қариндошлар ва ноқонуний никоҳларнинг олдини олиш бўйича идоралараро ҳамкорлик асосида таъсирчан чораларни қўллаш. | 1. Соғлом фарзанд туғилиши барқарорлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш;<br>2. Ҳафтанинг сешанба куни оила ва хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш тизими масъуллари ўртасида “муҳокама соатлари”ни ташкил этиб бориш;<br>3. Эрта, қариндошлар, ноқонуний никоҳларнинг олдини олиш бўйича ОАВда ёритиб бориш. | 2025 йил февраль<br><br>Йил давомида | Оила ва хотин-қизлар бўлими,<br>Соғлиқни сақлаш бўлими |
| 12. | Соғлом фарзандлар дунёга келиши учун туғруқлар оралиғига *(36 ойдан кам бўлмаган)* риоя қилиш, эрта туғруқ *(18* | 1. Фарзанд кўриш ёшидаги аёллар учун “Тиббий кўмак берилиши лозим бўлган хотин-қизлар билан ишлаш | 2025 йил январь | Оила ва хотин-қизлар бўлими,<br>Соғлиқни сақлаш бўлими |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | *ёшгача)* ва кеч туғруқларнинг *(35 ёшдан кейинги)* олдини олиш бўйича ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш. | тартиби"ни кенг жорий этиш.<br>2. "Соғлом оила – келажак пойдевори", "Эрта ва яқин қариндошлар никоҳига қарши бирга курашамиз", "Репродуктив саломатлик тамойиллари" мавзуларида тиббий ахборот материалларидан фойдаланган ҳолда ҳар бир маҳаллада тарғибот ишларини йўлга қўйиш. | Йил давомида | |
| 13. | Соғлом фарзанд туғилиши талаблари бўйича билимларни шакллантиришга қаратилган **"Масъулиятли ота-оналик" лойиҳасини амалга ошириш**. | 1. "Масъулиятли ота-оналик" лойиҳаси асосида ҳудудларда фарзанд кўришга оқилона дунёқарашни шакллантиришга қаратилган ўқувларни жорий қилиб бориш.<br>2. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид ахборот материалларини ишлаб чиқиш ва тарғиботини йўлга қўйиш. | 2025 йил давомида | Оила ва хотин-қизлар бўлими,<br>Соғлиқни сақлаш бўлими |
| 14. | Фертил ёшидаги **3 минг** нафар аёлларни контрацепция воситалари билан марказлашган ҳолда узлуксиз таъминлаб бориш. | 1. Контрацепция воситаларига бўлган эҳтиёжни доимий равишда мониторинг қилиб бориш.<br>2. Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан контрацепция воситаларини марказлашган ҳолда узлуксиз таъминлаб бориш. | 2025 йил давомида | Соғлиқни сақлаш бўлими,<br>Оила ва хотин-қизлар бўлими |
| **III. Хотин-қизлар орасида тазйиқ ва зўравонлик, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш** | | | | |
| 15. | "е-профилактика" электрон тизим орқали профилактик ҳисобда бўлган 18 **нафар** хотин-қизлар ўртасида жиноятни кескин қисқартириш чораларини кўриш. | 1. Профилактик ҳисобда бўлган хотин-қизлар билан манзилли ишлашни ташкил этиш.<br>2. Хотин-қизлар ўртасида содир | 2025 йил давомида | Ички ишлар бўлими,<br>Адлия бўлими,<br>Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳудудий |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | этилган жиноят сабабларини таҳлил қилиб бориш.<br>3. Жойларда “Жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айлантириш” бўйича профилактик тадбирларни амалга ошириб бориш. | | бўлинмаси,<br>Дин ишлари қўмитаси ҳудудий бўлинмаси |
| 16. | Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган **104 нафар** хотин-қизларни фаол ижтимоий ҳаётга жалб этиш, уларни ижтимоий ҳимоясига қаратилган манзилли тадбирларни амалга ошириш | 1. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг маҳаллаларда яшаш хонадонларига бориб, оилавий шароитини, турмуш тарзини ҳамда ижтимоий ҳолатини ўрганиш.<br>2. Жабрланган хотин-қизлар билан ишлашнинг индивидуал режаларини тузиш, малакали психологларни жалб этган ҳолда психокоррецион реабилитация тадбирларини амалга ошириш.<br>3. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликларнинг олдини олиш мақсадида соҳа вакилларини (имом-хатиб, отинойилар) кенг аҳоли орасида тарғибот ишларини амалга оширишга жалб этиш.<br>4. Муаммоси аниқланган хотин-қизларни ишга жойлашишида, уй-жой масалаларида, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларини ҳал этишда секторлар билан ҳамкорликда ижтимоий ҳуқуқий, психологик ҳамда моддий ёрдамлар кўрсатиш чораларини кўриш. | 2025 йил давомида<br>доимий<br>Доимий<br>Доимий | Оила ва хотин-қизлар бўлими<br>Ички ишлар бўлими,<br>Дин ишлари бўйича қўмитаси ҳудудий бўлинмаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими,<br>Адлия бўлими |
| **IV. Оила институтини мустаҳкамлаш, умуминсоний ва миллий қадриятларни тарғиб этиш орқали оилалардаги соғлом ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш** | | | | |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 17. | Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилавий низоларнинг олдини олиш ҳамда хотин-қизларга ҳуқуқий тиббий ва психологик ёрдамлар кўрсатиш мақсадида 1 та “Оила ва хотин-қизлар масканлари” фаолиятини йўлга қўйиш. Бунда:<br>психолог ва ҳуқуқшуносларнинг доимий фаолиятини олиб бориш механизмларини кўзда тутиш;<br>белгиланган дастур асосида нодавлат-нотижорат ташкилотлар томонидан ўқув курсларни ўтказиш;<br>марказ фаолияти самадорлигини ошириш учун давлат хусусий шерикчиликнинг имкониятларидан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 1. Марказларни ташкил этиш учун туман (шаҳар) хокимлик захирасидан ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ёки бўш турган давлат мулки объектини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Оила ва хотин-қизлар бўлимларига ажратиш.<br>2. Масканлар лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>3. Марказларни барпо этиш бўйича ташкилий чораларни кўриш.<br>4. Масканлар фаолияти бўйича методологияни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш.<br>5. Марказларда никоҳланувчи шахсларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, тадбиркорликка ўқитиш, психологик ва ҳуқуқий ёрдамларни ташкил этиш. | 2025 йил 1-чорак<br>2025 йил февраль<br>2025 йил давомида | Адлия бўлими,<br>Иқтисодиёт ва молия бўлими,<br>Оила ва хотин-қизлар бўлими<br>Давлат активларини бошқариш агентлиги худудий бўлими,<br>Давлат кадастр агентлиги Ҳудудий бўлими |
| 18. | “Хавфсиз оила” модули орқали 250 та низоли оилалар вакиллари билан индивидуал ишлашни янада жонлантириш. | 1. Низоли оилалардаги мавжуд низоли ҳолатларнинг сабабларини таҳлил қилиш.<br>2. Таҳлил натижаларига асосан ҳар бир муаммоли оилага индивуал ёндашган ҳолда тизимли тадбиралр белгилаш. | 2025 йил 1-чорак<br>Йил давомида | Оила ва хотин-қизлар бўлимси, Ички ишлар бўлими, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими,<br>Дин ишлар бўйича қўмитанинг худудий бўлинмаси, Оқила аёллар ҳаракати аъзолари |
| 19. | Оилавий ажримларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинида ҳафтада бир кун ёш оилаларга ҳуқуқий, психологик хизмат кўрсатишни ташкил | 1. Барча ҳуқуқий идоралардан бир нафардан масъул ходимларни маҳаллаларга секторлар кесимида бириктириш. | 2025 йил март<br>Йил давомида | Оила ва хотин-қизлар бўлими, Адлия вазирлиги, манфаатдор идора ва ташкилотлар |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | этиш. | 2. Ҳафтада бир кун ёш оилаларга ҳуқуқий, психологик хизмат кўрсатишни ташкил этиш.<br>3. Ҳар бир оилага фаол жамоатчиликни бириктириш ва уларга иқтисодий-ижтимоий кўмаклашиш. | | |
| 20. | **“Оила–маҳалла–таълим муассасаси” ҳамкорлиги**да жамоатчилик кўмагига муҳтож бўлган 5 та тоифадаги оилалар ва уларнинг фарзандлари билан профилактик ишларни ташкил этиш. | 1. Жамоатчилик кўмагига муҳтож бўлган 5 та тоифадаги оилалар ва уларнинг фарзандларини аниқлаб бориш.<br>2. Аниқланган оилаларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш.<br>3. 5 та тоифадаги оилалар фарзандларининг мактабда таълим ва тарбиясидаги ўзгаришларни муҳокама қилиб бориш. | 2025 йил давомида | Мактабгача ва мактаб таълими бўлими, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси шахар бўлими, Оила ва хотин-қизлар бўлими, Ички ишлар бўлими |

**Каттақўрғон шаҳри ҳокимнинг ўринбосари,**
**Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи** **Ш.Кучкарова**